# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 26-FEVRAL, SESHANBA, 24 (8105)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Сирдарё Вилояти

## ФЕРМЕРЛАР ТУРМУШ ОБОДЛИГИ ВА ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА










Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фермерлик ҳаракатининг янги босқичини бошлаб берди. Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Фермерлари кенгаши ташкил этилиб, фаолиятини давом эттирмоқда. Шунингдек, вилоят ва туманларда эса фермерлар кенгашлари ташкил этилди. Энг муҳими, ушбу тузилмаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳам белгилаб олинди.

Бугун ҳақли равишда айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ўзини тўла оқлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи бўғинига айланди. Ўзида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирган ушбу ҳаракат нафақат қишлоқ хўжалигида, балки қишлоқни обод этадиган, аҳолини иш билан таъминлаб, тараққиётни янада юксалтирадиган кучга айланмоқда.

Бу жараёнда Фермерлар кенгашининг ҳиссаси катта бўлиши керак. Негаки, энди фермер хўжаликларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар кенгашларнинг бевосита иштирокида қабул қилинади. Кенгашлар фермерларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Уларнинг энг яқин маслаҳатгўйи, тараққиёт йўлидаги фаолиятида камарбаста бўлади.

*Фермерлар кенгашлари фермерлик ҳаракатининг ўзаги, йўналтирувчи кучи бўлиши, уни қишлоқни ривожлантириш ва шу аснода қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айлантириш лозим.*

Ислом КАРИМОВ

**Яқинда Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган республика кўргазмали семинарида бу гаплар кўп бора таъкидланди. Семинар ишида мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманлари фермерлар кенгашлари раислари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этишди. Иштирокчилар кенгаш фаолиятини ташкил этиш, унинг таркибий тузилмаси хусусида фикр алмашдилар, илғор тажрибалар билан ўртоқлашдилар.**

*(Давоми 2-саҳифада)*

Жиззах Вилояти

**Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйида вояга етган бир гуруҳ йигит-қизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Жиззах тумани Учтепа массивида қуриб битказилган ўн икки хонадонли янги уйга кўчиб ўтди.**

## ЁШЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙЛАР

Мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларига асосланган кучли ижтимоий сиёсат туфайли ҳеч бир бола каровчисиз, боқувчисиз қолмайди. Мазкур Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўғил-қизлар ҳам ўз ҳаётида давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги, халқимизнинг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб улғаймоқда.

Муассасада вояга етган ёшлар мустақил ҳаёт бошлаганларидан сўнг ҳам ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлмоқда. Улар тўққизинчи синфни битиргандан сўнг, белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, ўқишни давом эттираётир. Жумладан, ўтган йили 36 нафар ана шундай тарбияланувчилар тиббиёт, педагогика, ҳуқуқшунослик, компьютер технологиялари, транспорт алоқа ва темир йўл транспорти коллежларида ўқимоқда. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга таълим кредитлари ажратилиб, оила қураётганларнинг тўйлари ўтказиб берилаётир ва улар уй жиҳозлари ва мебель билан таъминланмоқда.

Давлатимиз томонидан собиқ тарбияланувчиларга яна бир улкан ғамхўрлик кўрсатилди – улар учун туманнинг янги массивида бюджет маблағлари ҳисобидан барча қулайликларга эга икки қаватли замонавий уй барпо этилди. Ундаги хонадонлар ҳомийлар кўмагида мебель ва уй-рўзғор буюмлари билан жиҳозланди.

Янги хонадонлардан бири ёш келин-куёв Ўткир ва Гулноза Ғойибовларга берилди. Уйдан куёвнинг укаси ва синглисига ҳам алоҳида хонадон ажратилди.

– Хурсандчилигимизнинг чеки йўқ, – дейди Ўткир Ғойибов. – Президентимизнинг бизга кўрсатаётган бундай юксак ғамхўрлигини Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш орқали оқлаймиз.

Янги хонадон калитларини эгаларига топшириш маросимида маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, ёшларни табриклади. Тадбирда етим ва ота-она қарамоғисиз вояга етган йигит-қизлар турар жойлар билан таъминланаётгани давлатимиз томонидан ҳар бир ўғил-қизга алоҳида меҳр, эътибор кўрсатилаётганининг ёрқин ифодаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбари юритаётган инсонпарварлик сиёсати туфайли ҳар бир фарзанд эъзоз ва эътибор оғушида, – дейди Меҳрибонлик уйи директори Норқул Тоғаев. – Бу эса улар қалбида келажакка ишонч, Ватанига, халқига садоқат туйғуларини янада мустаҳкамламоқда.

Маросимда Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов сўзга чиқди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барака деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда. 2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод турмуш йили” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.**

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Халқимизга хос яшаш тарзи – маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни беқиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмлари очиб берилади.

Бундай янгича ёндашув мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тўқсондан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айни пайтгача юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай мурожаатлар, чунончи, юридик шахслар мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури – давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

**ЎзА**

# ФЕРМЕРЛАР ТУРМУШ ОБОДЛИГИ ВА ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

(Боши 1-саҳифада)

## ҚАЙТА ИШЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

Маълумки, қайта ишлаш хомашё етиштиришга нисбатан бир неча баробар кўп даромад келтиради. Шунинг баробарида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиш имконини беради. Демакки, фаровонлик ва тараққиётни таъминлашда ушбу соҳани ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Бугун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи кучга айланган фермерлик ҳаракати вакиллари қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиб, бу борада ижобий натижаларга эришмоқдалар. Қишлоққа саноатни олиб киришни мақсад қилган фермерлар, нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни қайта ишлашдан сифатли қадоқлашу экспорт қилишгача бўлган жараённи ўзлаштиришмоқдалар.

Тадбирнинг Сирдарё тумани "Ҳақиқат" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида жойлашган "Интер милк" масъулияти чекланган жамиятида тўпланган илғор тажриба билан танишув қисмида ҳам бу алоҳида таъкидланди. Ушбу жамиятда хомашё етиштиришдан уни қайта ишлашгача бўлган жараён қамраб олинган. Корхона тасарруфида 780 гектар майдон бўлиб, унинг 772 гектарида озуқа етиштирилади. Салкам 8 гектарлик ҳудудда чорвачилик ва қайта ишлаш комплекси бунёд этилган. Хўжаликда 850 бош зотли қорамол парваришланмоқда. 450 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 20-21 литр сут соғиб олинаётир. Шу ерда қайта ишланган бир неча турдаги сут маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

– Чорва молларимиз "фриз" зотли, Голландиядан келтирилган, – дейди жамият ветврачи Раҳматилла Омонов. – Қатъий рацион асосида парваришланади. Ҳар бир сигирга алоҳида эътибор қаратамиз. Ишимиз тўлиқ механизациялашган ҳолда ташкил этилган. Молларнинг таги автоматлаштирилган ускуналар ёрдамида тозаланади, қуритилади. Ёзда ҳаво ҳароратини салқинлаштириш учун генераторлар ишлатилади. Вақти-вақти билан очиқ ҳавода ташкил этилган молхонага чиқарамиз. Айни вақтда улар ҳудудимизга мослашиб, маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Молларнинг соғломлиги, улардан олинаётган маҳсулотнинг сифати доимий назорат қилиб борилмоқда.




*"Интер милк" МЧЖда ишлаб чиқарилган сут маҳсулотлари кўриниши, сифати ва мазаси билан барчага манзур бўлди.*

Дарҳақиқат, ораста молхона, етарли ем-хашак базаси, замонавий технология асосидаги парвариш, техникалар жамиятда ишнинг батартиб ташкил этилганини намоён этиб турибди. Жамиятнинг қайта ишлаш цехида эса бир неча турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Замонавий технологияларда коллежни битирган ёш йигит-қизлар меҳнат қиляпти.

– Ушбу корхона иши билан танишар эканмиз, биз ҳам фаолиятимизда наслли молларни кўпайтириб, қайта ишлашни йўлга қўйишни мақсад қилдик, – дейди Нишон тумани фермерлар кенгаши раиси, "Пахтаобод чорва" фермер хўжалиги раҳбари Убайдулла Усмонов. – Туманимизда бунинг учун барча шароит бор. Ундан унумли фойдаланган кўплаб фермер хўжаликлари қайта ишлашни йўлга қўйишяпти. Бунда пойтахтимизда ташкил этилаётган илғор технологиялар кўргазмаси қўл келяпти. Ўзимизнинг хўжалик ҳам чорвачиликка ихтисослашган, 70 бошдан зиёд қорамолимиз бор. Маҳсулотни сотишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Вақтида сотмасангиз, сут ачийди. Уни сақлаш учун технология керак. Қолаверса, сутга талаб юқори, аммо уни истеъмол бозорига олиб чиқишдан иқтисодий самарадорлик кам. Шу боис, қайта ишлашни йўлга қўйиш ушбу масалаларнинг ечимини беради. Шунингдек, янги иш ўрни яратиш имкони юзага келади. Бизнинг туманда, нафақат ушбу йўналишда, балки бошқа йўналишда ҳам қайта ишлашни йўлга қўйишнинг имкониятлари катта. Ушбу семинарда ўрганган тажрибаларимизни, албатта, туманимизда жорий этамиз.

– Ўзингиз ҳам кузатиб турибсиз, кейинги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида озиқ-овқат танқислиги сезилмоқда, – дейди Ғиждувон тумани фермерлар кенгаши раиси Аҳмад Тошев. – Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланган фермерлар олдидаги долзарб вазифалардан бири – бу қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Мазкур семинар ана шундай жараёнда кўмаклашувчи вазифасини ўтаётир. Биргина ўзимизнинг фермер хўжалик мисолида айтиб ўтадиган бўлсак, 100 гектар ерда пахта, ғалла етиштирамиз. 13 гектар боғимиз бор. Етиштирилган мевани қайта ишлашни йўлга қўйсак, даромадимиз икки баравар ошади. Биргина узумдан олинадиган маҳсулотларни санаб кўринг-а? Шинни, мусаллас, майиз. Яқинда, ҳатто, узумнинг данагидан ҳам мой олиш мумкинлигини билдим. Демак, имкониятларимиз катта. Фақатгина изланишимиз керак. Ушбу семинар тафсилотларини туманимиздаги фермерларга ҳам ҳикоя қилиб берамиз. Шунинг баробарида қайта ишлаш борасида янги лойиҳаларни ишлаб чиқамиз. Уларнинг амалга ошишига эса ишонаман.

Семинар давомида иштирокчилар қайта ишлашнинг аҳамияти хусусида кўплаб маълумотларга эга бўлишди. Энг муҳими, ўзаро тажриба алмашиш имкони улар дилидаги айни муддао эди.

## КОЛЛЕЖ ВА ФЕРМЕР ҲАМКОРЛИГИ – БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Ҳар бир касбни эгаллаш учун хоҳишу қизиқишдан ташқари, мустаҳкам пойдевор – билим ҳам керак бўлади. Энг муҳими, ана шу билим ва кўникмани амалиётга жорий этиш, уйғунлаштириш лозим. Ана шундагина малакали кадр бирон соҳага дадил кириб боради, ўзини намоён этади. Бугун олдимиздаги муҳим вазифалардан бири коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда фермерлик ҳаракатининг ўрни муҳим. Фермер хўжаликларининг коллежлар билан кооперация алоқалари ривожланиши малакали кадрларни камолга етказишга хизмат қилади. Мана шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда республикамизнинг ҳар бир туманида биттадан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежда "Фермерлар ўқув маркази"ни ташкил этиш ҳамда бу жойларда фермерларнинг йил давомида агротехник тадбирларни ва янги технологияларни ўрганишини йўлга қўйиш, фермерлар билан коллеж ўқувчилари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг фермер хўжаликларида амалиёт ўташларини ташкил этиш белгилаб олинган. Бугунги фермердан илмий салоҳиятини ошириш, илм билан ҳамқадам бўлиш, соҳага янги технологиялар олиб кириш, янги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш талаб этилади. Бу жараёнда мазкур марказларнинг хизмати қўл келади.

Сайхунобод саноат коллежида ташкил этилган намунавий "Фермерлар ўқув маркази" семинар иштирокчилари – туман фермерлар кенгашлари раисларида катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг ҳар бири бу ердаги ишлар билан синчковлик билан танишиб чиқди. Ахир улар ҳам туманида шундай марказларни ташкил этишида тажриба зарур-да.

Сайхунобод тумани "Фермерлар ўқув маркази" фермерларнинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш, чорвачилик, балиқчилик каби йўналишлар учун ташкил этилган хоналарда мутахассислар билан учрашувлар ташкил этиш, фермерларнинг тажриба ва малакасини ошириш режалаштирилган. Шунингдек, илмни амалиётга пайваста этиш учун тажриба майдонлари – бир ярим сотих майдонли иссиқхона, кўчатчилик майдони, интенсив боғ ҳамда 100 та товуққа мўлжалланган паррандахона ташкил этилган.



*«Фермерлар ўқув маркази» қишлоқ мулкдорлари ва коллеж ўқувчиларининг билими ва тажрибасини оширувчи масканга айланади.*

– Ушбу ўқув марказлари фаолияти билан танишиб, туманимизда ташкил этилаётган шундай марказ учун керакли барча нарсани олдик, – дейди Данғара тумани фермерлар кенгаши раиси Азизбек Мирсодиқов. – Қолаверса, ўзимизнинг имкониятдан келиб чиқиб, янги йўналишларни ташкил этмоқчимиз. Фаолиятимиз кенгаймоқда. Фермерларнинг масъулияти катта. Демак, буларнинг барчаси илмий инновацияларни амалиётга кенг жорий этиш, олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтиришни талаб этади.

Сирасини айтганда, ушбу марказлар фермерларнинг илмий салоҳиятини оширишда муҳим вазифани бажариши зарур. Иштирокчилар таъкидлашганидек, бу борадаги ишларда ушбу коллежда ташкил этилган намунавий ўқув марказидан олинган тажриба асқотади.

## КЎП ТАРМОҚДА КЎП ЯНГИ ИШ ЎРНИ БЎЛАДИ

Қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири фермер хўжаликларининг тармоқларини кўпайтиришдир. Буни Сирдарё вилоятидаги қатор фермер хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Семинар иштирокчилари танишган Сирдарё туманидаги "Йўлчибой ота" фермер хўжалигининг 100 гектар ер майдони бор. 41 гектар пахта, 36 гектар ғалладан мўл ҳосил олиб келаётган хўжалик аъзолари айни вақтда баҳорги юмушларга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. 50 бош чорва ҳамда 1,5 гектардаги иссиқхона хўжалик иқтисоди янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Биргина иссиқхона хусусида тўхталсак, бу ерда бир йилда икки марта ҳосил олинади. Тежамкор технология билан иситиладиган иссиқхона маҳсулотлари қиш фаслида ҳам аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаш баробарида кўплаб янги иш ўрни яратиш имконини берди.







– Энг муҳими, бу ерда изланишларимиз рўёбга чиқяпти, – дейди фермер Муҳаммаджон Хўжаев. – Қайси навдан, қайси экиндан мўл ҳосил олиш мумкин, деган саволнинг жавобини шунда топяпмиз. Даромадимиз яхши. Уни шу йўналишдаги ишларни кенгайтиришга сарфлаяпмиз.

Семинар иштирокчилари таъкидлашганидек, кўп тармоқлилик, нафақат даромад манбаини кўпайтириш, шунинг баробарида йўналишларнинг бир-бирини тўлдириш имконини ҳам беради.

Н.Тўқмоқова раҳбарлик қилаётган "Авесто Зардўшт" фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигининг барча йўналишлари бор дейиш мумкин. Пахта 58 гектар, ғалла 40 гектар, боғ 20 гектар, салкам икки гектар узумзор, 2 гектар кўчатчилик питомниги, 0,5 гектар иссиқхона. Бу ерда ишчилар учун бунёд этилган замонавий дам олиш уйи эса барчанинг ҳавасини келтиради.

– Боғимизда барча мева турлари бор, – дейди боғбон Абдусамат Йўлдошев. – Олма, олхўри, гилос, шафтоли ва бошқа мевали дарахтларни парваришлаяпмиз. Айниқса, кўчатчилигимизга қизиқиш катта. Даромадимизнинг ошишида унинг ҳам ўрни муҳим.

– Ушбу фермер хўжалигининг бизга маъқул бўлган томони шуки, бозорни ўрганиб, боғ ташкил этилган экан, – дейди Қўшкўпир тумани фермерлар кенгаши раиси, "Гуржан момо" фермер хўжалиги раҳбари Султонназар Ўрозметов. – Бир мева пишиб тугагач, иккинчиси чиқади, сўнгра учинчиси, шундай қилиб, йил давомида боғ мевалари пишиб туради, даромад келиб туради. Қишда эса иссиқхона ва кўчатчиликдан даромад... Пахта ва ғалланинг даромадини ҳам қўшсангиз, кўп тармоқлиликнинг аҳамияти қанчалар катта экани намоён бўлади. Доимий даромад эса ишчиларнинг ҳам, фермернинг ҳам манфаатдорлигини таъминлайди. Ишга, ерга муносабат, яъни меҳр ошади.

Сайхунобод туманидаги "Турон" фермер хўжалиги ҳам кўп тармоқли фермер хўжалиги ҳисобланади. Пахта, ғалла, чорвачилик ривожланган хўжаликда 86 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 13 нафари коллеж битирувчисидир. Бу ерда иштирокчилар қизиқишига сабаб бўлгани "Бушуев" зотли қорамоллар бўлди.

– Ушбу зотга ўтган асрнинг бошида агроном М. Бушуев томонидан Мирзачўл шароитида асос қўйилган, – дейди фермер Аҳмаджон Раҳматуллаев. – У маҳаллий зотлар ҳамда "голланд", "швиц", "симментал" зотларни чатиштириш орқали олинган бўлиб, қуруқ иқлим шароитларига мослашган, қон-паразит касалликларига чидамли, сути таркибида ёғ даражаси 4 фоиз ва ундан юқори, озуқа танламас ва гўшт маҳсулдорлиги яхши ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу молларнинг генофондини сақлаш, бош сони ва маҳсулдорлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоятимизда бешта наслчилик ҳамда бешта фермер хўжалигида ушбу ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга кўра, 2015 йилда соф "Бушуев" зотли молларни етти минг бошга етказиш мўлжалланган. Бизнинг хўжалигимизда 620 та ана шундай мол бўлиб, уларнинг 280 боши соғин сигирлардир. Уларнинг ҳар биридан кунига ўртача 15 литр сут соғиб олинмоқда.

– Ушбу моллар бизда ҳам катта қизиқиш уйғотди, – дейди Хатирчи тумани фермерлар кенгаши раиси, "Улуғбек" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Шарипов. – 15 бош қорамолимиз бор. Аммо наслли эмас. Шу боис, уларнинг наслини яхшилаш ёки наслли молларга алмаштиришимиз керак. Бунда мана бундай зотлар мақбул бўлмоқда. Ушбу зот иқлимга мос, озуқада ҳам инжиқ эмас экан. Бизнинг хўжалик ҳам кўп тармоқли. Пахта, ғалладан ташқари, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик ҳамда пиллачиликни йўлга қўйганмиз.

– Умуман олганда, кўп тармоқли хўжаликни ташкил этиш кўп билим ва тажриба талаб этади, – дейди Мингбулоқ тумани фермерлар кенгаши раиси, "Нурали Сайдалиевич" фермер хўжалиги раҳбари Нурали Акбаров. – Ҳар бир тармоқнинг сиру асрорини эгаллашда бугунгидек тадбирларнинг аҳамияти катта.

– Ушбу тадбирлар нафақат тажриба алмашиш, балки фермерлар ўртасида ўзаро кооперацияни ривожлантиришга хизмат қилади, – дейди Беруний тумани фермерлар кенгаши раиси, "Якубов Жонибек" фермер хўжалиги раҳбари Эгамберган Якубов. – Кўп тармоқлиликни ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидан бўлиб қолмоқда. Айни шу жиҳат давлатимиз эътиборида доимо бўлиб келаётгани эса фермерларнинг дилидаги гапдир. Бизнинг туманимизда жорий йилда 87 та лойиҳа бўйича ишлар олиб борилмоқда. Унда барча тармоқларни қамраб олиш режалаштирилган.

Президентимизнинг Фармонида кўп тармоқлиликка алоҳида эътибор қаратилган эди. Фармон ижроси натижасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамкорликда тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2013 йил давомида 17 мингдан зиёд фермер хўжалигининг кўп тармоқли сифатида фаолиятини кенгайтириш режалаштирилган. Аҳамиятли томони шундаки, бунда нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш, балки қишлоқда сервис хизматини ташкил қилиш, кичик тикув цехларини барпо этиш, касаначилик, савдо-тижорат борасида фаолиятларга ҳам эътибор қаратилаётир. Мана шу ишлар ҳисобига қишлоқ жойларда 90 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имкони юзага келади. Демакки, Обод турмуш йилида фермерлик ҳаракатининг улуши ниҳоятда катта бўлиши шундан ҳам маълум.

## КЕНГАШНИНГ ИНТЕНСИВ БОҒИ

Халқимизда шундай мақол бор: боғбоннинг меҳнати кўп, меваси – хўп. Боғ яратиш, уни авлодларга етказиш, элу юрт маъмурчилигини бойитиш халқимизнинг азалий удуми. Бу "Яхшидан боғ қолади", деган нақлда ҳам ўз аксини топган. Бугунги даврда бу нақлнинг мазмуни янада теранлашган. Негаки, дунё миқёсида озиқ-овқат муаммоси кенгайиб бормоқда. Бундай шароитда ички истеъмол бозорини юртимизда етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдириш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турини кўпайтириш ва сифатини ошириш янада долзарб аҳамият касб этади. Бу жараёнда, айниқса, боғларнинг аҳамияти катта. Тупроғи – олтин, суви – зар, иқлими – бебаҳо юртимизда боғлардан мўл ҳосил олиш имконияти катта.

Гулистон туманидаги "Назарқул ғолиб нияти" фермер хўжалигида ана шундай имкониятдан унумли фойдаланиб, янги интенсив боғ ташкил этилмоқда. Ушбу боғ замонавий ва тежамкор технологияга асосланган бўлиб, суғориш томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида амалга оширилади. Замонавий технология ернинг дарахт учун керакли намга тўйинганига қараб ишлайди. Яъни тупроқ керакли миқдорда намликка эга бўлдими, шу заҳоти компьютер сувни тўхтатади. Шунингдек, томчилатиб суғоришнинг яна бир афзал жиҳати, у ёрдамида ўсимликни ривожлантириш мақсадида бериладиган кимёвий препаратни ҳам ниҳоятда тежайди.

– Айни шу жиҳат учун Президентимизнинг Фармонига кўра, бизга қатор имтиёзлар берилган, – дейди фермер Иномжон Таниқулов. – Жумладан, томчилатиб суғориш тизимини жорий этган хўжаликлар беш йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилган, ушбу лойиҳа имтиёзли кредитлар асосида молиялаштирилади. 14 гектарли ушбу боғ ўзини тезда оқлайди. Тезда харажатларни қоплаб, даромадга киради. Шунингдек, яна бир лойиҳани амалга оширяпмиз. Бу 1,5 минг тонна мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган совиткичхонадир. Юртимизда яратилган шароитдан, биз фермерларга берилаётган имкониятлардан миннатдормиз.







*Интенсив боққа дастлабки кўчатни вилоят ҳокими ва Республика Фермерлар кенгаши раҳбари ўтқазишди.*

Шу куни иштирокчилар боққа дастлабки кўчатларни ўтқазишди. Унга яхши ният билан "Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг интенсив боғи" дея ном берилди.



Семинарни Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов очди ва олиб борди. Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг раиси С.Турдиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири У.Узоқовлар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу жараёнда фермерлар кенгашларининг ҳамда фермерларнинг ўрни ва вазифалари ҳақида тўхталишди.

Иштирокчилар Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот олишди. Таъминотчи ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари ўртасида ҳисоб-китобни юритишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш борасида фикр алмашилди. Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг олдидаги долзарб вазифалар ва уларнинг ижросини амалга ошириш борасида кенгашиб олишди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**Соҳиба СОЛИЕВА,**
**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбирлари.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# Ердан фойдаланишда самарали усуллар

## Бунда ахборот технологияларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга

**Бозор иқтисодиёти шароитида ер майдонининг ҳажми эмас, ундан кўриладиган даромаду фойда бош мезон ҳисобланади. Бу эса ернинг ҳолати, ундан қандай фойдалана билишга боғлиқ. Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида ердан фойдаланиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Энг асосийси, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи омил – ерга муносабат ўзгарди. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзиб, ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланган фермерларнинг ихтиёрига ўтгач, унга меҳр, парвариш ҳам тамомила бошқача тус олди. Унумдорлик, самарадорлик яққол кўзга ташланди.**

Бугунги давр бошқа соҳалар қатори ер ресурсларидан фойдаланишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни тақозо этаётир. Буни туман ер ахборот тизими мисолида кўрсак ҳам фикримиз равшанлашади. Маълумки, туман ер-ахборот тизимида ҳар бир участка бўйича мукаммал маълумотлар базаси йиғилади, сақланади, қайта ишланади ҳамда давлат ва хусусий талабгорларга етказилади. Бугунги давр ерлардан фойдаланишда тезкор ва батафсил ахборотларни талаб этади. Шу боис, ер-ахборот тизимини янада такомиллаштириш зарурати юзага келаётир.

Маълумотларни тизимли тарзда йиғиш, янгилаш, ишлов бериш ва тарқатиш учун янги технологиялар тизимда ривожланиш салоҳиятини юксалтиради.

Туманда ер-ахборот тизимига оид электрон харита ҳар бир массивлар, массивлардаги қишлоқ фуқаролари йиғини ва хусусийлаштириладиган ҳар бир ер участкалари бўйича ишлаб чиқилади. Унда ҳар бир массив ер тузувчилари ўзига бириктирилган ҳудуд ҳақидаги маълумотларни тўплаб, туманга тақдим қиладилар. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида мутахассислар маълумотларни компьютерга киритади ва тўлиқ ахборот ишлаб чиқариш жараёнларининг бажарилишини таъминлайди.

Хариталаш тизимида ахборот таркибига ер майдонининг жойлашган ўрни, чегаралари, мулк ҳуқуқи, нархини баҳолаш, имтиёз ва чеклашлар билан боғлиқ бошқа ахборотлар киради. Ҳар бир майдон учун ер тоифаси, тупроқларнинг синфланиши, ердан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар жамланади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, туманда ҳар бир ер майдони рўйхатдан ўтказилиши мулкдорнинг мулкка нисбатан ҳуқуқини кафолатлайди ва адолатли, асосли ер (кўчмас мулк) солиғини ўрнатиш имконини беради.

Замонавий ер-ахборот тизими ахборотни йиғиш ва ишлов беришнинг замонавий воситалари, ҳисоблаш ва телекоммуникацион техника замирида яратилиши унинг қулайлиги ҳамда самарадорлигини оширади.

Сирасини айтганда, замонавий ахборот технологияларини соҳага жадал жорий этиш, ер кадастри хизматида ташкил этилган "бир дарча" тамойилининг янада мукаммаллашувига хизмат қилади.

**Кувончбек НИЁЗОВ,**
**Тошкент ирригация ва мелиорация институти магистранти.**

# «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

### БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил Департаментининг 2012 йил 7 февралдаги 06-29-35-сонли баённомаси ҳамда Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг 2013 йил 31 январдаги 15-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:**

Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун Қуйи Чирчиқ тумани "Майдонтол" ҚФЙ Меҳнатобод ҳудуди манзилида жойлашган 1,0 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 995 255 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қуйи Чирчиқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 28 март куни соат 18:00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 29 март куни соат 11:00 да очилади, ўша куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 29 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 14 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 13 апрель куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов савдоси қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимияти биносида 2013 йил 15 апрель куни соат 11:00 да очилади, ўша куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.*

*- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: "Tashkent Realtor Service" МЧЖ х/р: 20208000304876496001 ТИФ Миллий банк Ҳамза филиали, МФО: 00847, ИНН: 301 743 808.

**Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш ва мурожаат қилиш учун телефон рақамлари:** Тошкент шаҳар Бухоро кўчаси 10-уй, Биржа Маркази биноси 16-хона. Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 232-10-78, электрон почта: info@realtorg.uz, **Лицензия** RR-0008.

Бухоро Вилояти

# СУНЪИЙ ҲАВЗА КЎЛ БЎЛДИ, УНДА БАЛИҚ МЎЛ БЎЛДИ

ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ «ЯНГИКЕНТ БАЛИҚ КЎЛИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИХТИЁРИДАГИ 2,2 ГЕКТАР СУВ ҲАВЗАСИДА МАНА ИККИ ЙИЛДИРКИ, БАЛИҚ ЕТИШТИРИЛАДИ.

– Ўтган йил охирида 1 тонна балиқ овлаб эл дастурхонига тортиқ қилдиқ, – дейди жамият раиси Мехриддин Жалолов. – Балиқчилик бўйича тажрибаларимизни ошириб боряпмиз. Жорий йилда камида 4 тонна балиқ етиштиришни ният қилиб турибмиз.

– Биргина ўтган йилнинг ўзида тумандаги 5 та фермер хўжаликлари қошида сунъий сув ҳавзалари ташкил этилиб, уларга балиқ чавоқлари ташланди, – дейди туман солиқ инспекцияси мутахассиси Акмал Қурбонов. – Бу саъй-ҳаракатлар ва балиқчилик хўжаликларига қаратилаётган эътибор келгусида луқмаи ҳалол мўл-кўллигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**



*Жамият ишчиси Қувват Қудратов ва туман солиқ инспекцияси мутахассиси Акмал Қурбонов.*

**○ Реклама ва эълонлар**

**Фермер хўжаликлари раҳбарлари, иссиқхоналар соҳиблари диққатига!**

**«ЕР МАЛҲАМИ» ВА БИОГУМУС – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК МАНБАИ**

**Пахта, ғалла, шоли, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари ҳосилдорлигини камида 20-25 фоиз оширишни хоҳлайсизми? Одатдагидан 15-20 фоиз кам харажат қилиб, экологик тоза ва юқори ҳосил олишни истайсизми? Унда биологик соф ўғит – "Ер малҳами" ва биогумусдан фойдаланинг. "Ер малҳами" ва биогумусни Хоразм вилоятидаги "Био ўғит" ишлаб чиқариш корхонаси етказиб беришга тайёр.**




**Манзил: Урганч шаҳри Саноатчилар кўчаси 12-уй.**
**Тел: (+998-91) 432-82-40; (+998-91) 435-28-80**
**Корхонанинг Тошкентдаги вакиллари телефонлари: (+998-91) 433-64-40, (+998-90) 187-61-63,**
**E-mail: malham@inbox.ru**

ООО "ASADBEK DURDONA SHIRIN FAYZ" (ИНН 302134890), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского р-на Ташкентской обл. (реестр № 3799 от 11.11.2011 г.), расположенное по адресу: Зангиатинский р-н O'zgarish QFY ул. Навруз д. 198, ликвидируется (протокол № 1 от 23.02.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную круглую печать ООО "PARRANDA TANHO BIZNES" (ИНН 302344338), зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента по адресу: Саноат 3 пр. д. 28, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД, считать недействительным.

Утерянную гувохному № 1008633, выданную с 18.05.2011 г. до 31.05.2014 г. Хокимиятом Юнусабадского р-на на имя Ли Эдуарда Моисеевича, считать недействительным.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимининг алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танловга қўйилмоқда:**

**1.** Енгил типдаги музқаймоқ ва салқинлантирувчи ичимликлар дўкони қуриш учун Фарғона шаҳар С.Темур ва А.Навоий кўчалари чорраҳасида "Нурхон" кинотеатр биноси олдида 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 36 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 77 515 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 13 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 14 март куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 14 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 20208000049206090011 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69, rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

"Биржа" газетасининг 14.02.2013 йилдаги 18 (1581)-сони ва "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 14.02.2013 йилдаги 19(8001)-сонида "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Навоий вилояти филиалининг танлов савдоларига чиқарилган Навбаҳор тумани "Янги йўл" ҚФЙ "Мавлонбобо" маҳалласи ҳудуди 133-контуридан 40000 кв.м. "Балиқхона" қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 313 168 сўм ўрнига 649 572 сўм деб ўқилсин.

**Асос:** Навбаҳор тумани ҳокимлигининг 02/156-сонли хати. **Манзил:** Навбаҳор тумани П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

*ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!*

## ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

**Строительство и модернизация стационарного поста ДПС в Мубарекском районе Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **3.031.700.500 сум без НДС, 3.638.040.600 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **8 месяцев.**

**Строительство и модернизация стационарного поста ДПС Мингчинор Китабского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **2.849.627.924 сум без НДС, 3.419.553.509 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **7 месяцев.**

**Строительство и модернизация стационарного поста ДПС Умакай в Чиракчинском районе Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **3.149.341.917 сум без НДС, 3.779.210.300 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **8 месяцев**.

**Финансирование осуществляется за счет**: ГОСБюджет

**ЛОТ №42-1. «На завершение строительства станции скорой медицинской помощи на 75 тыс.вызовов в год Кашкадарьинского филиала Республиканского экстренного-медицинского центра в г.Карши»**

Стартовая стоимость заказчика **256.027.508 сум без НДС, 307.233.010 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **5 месяцев**.

**ЛОТ №42-2. «Реконструкция клуба на 400 мест под мастерскую для сельскохозяйственного проф. колледжа на 180 учащихся в пос.Назартепа Касбинского района Кашкадарьинской области»**

Стартовая стоимость заказчика составляет **473.588.871 сум без НДС, 568.306.645 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяцев**.

**Финансирование осуществляется за счет**: по ЛОТу №42-1. Местный бюджет, по ЛОТу №42-2. Местный бюджет и фонд реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.

**По Лоту №42-1** конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектам малого бизнеса.

**По Лоту №42-1** При прочих равных условиях предпочтение отдаётся субъектам малого бизнеса.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията.

**Адрес:** г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3. Тел.: 227-13-51, 227-18-51.

**Предприятия и организации выступавщие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованием:** иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов - Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве, по адресу – г.Карши Ханабадское шоссе дом 46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу - г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2013 ЙИЛ 22 ЯНВАРДАН 20 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

**Бухоро вилоятидан 20.02.2013 йилда сотилган ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи:** 1. Ромитан ш. Зарафшон кўчаси ҳудудидаги сатҳи 2400,0 кв.м. қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси- 1 319 616 сўм, сотилиш баҳоси-1 850 000 сўм. 2. Ромитан ш. Амир Темур шоҳ кўчаси ҳудудидаги сатҳи 176,0 кв.м минимаркет ва кафетерий биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-114 301 сўм, сотилиш баҳоси-250 000 сўм. 3. Газли ш. Амир Темур кўчаси ҳудудидаги сатҳи 280,0 кв.м. 1-сонли ошхона биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-153 955 сўм, сотилиш баҳоси-250 000 сўм. 4. Газли ш. Амир Темур кўчаси ҳудудидаги сатҳи 100,0 кв.м. 2-сонли савдо дўкони биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-54 984 сўм, сотилиш баҳоси-150 000 сўм. 5. Газли ш. Амир Темур кўчаси ҳудудидаги сатҳи 100,0 кв.м. 3-сонли савдо дўкони биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-54 984 сўм, сотилиш баҳоси-150 000 сўм. 6. Газли ш. Амир Темур кўчаси ҳудудидаги сатҳи 180,0 кв.м. 4-сонли тиш даволаш шифохонаси биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-98 971 сўм, сотилиш баҳоси-160 000 сўм. 7. Газли ш. Амир Темур кўчаси ҳудудидаги сатҳи 180,0 кв.м. 5-сонли дорихона биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-98 971 сўм, сотилиш баҳоси-250 000 сўм. 8. Ромитан т. Ромитан ҚФЙ Тарнаут қишлоғи ҳудудидаги сатҳи 150,0 кв.м. дорихона биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-61 992 сўм, сотилиш баҳоси- 200 000 сўм. 9. Ромитан т. Ромитан ҚФЙ Тарнаут қишлоғи ҳудудидаги сатҳи 120,0 кв.м. савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-49 594 сўм, сотилиш баҳоси-150 000 сўм. 10. Ромитан т. Ромитан ҚФЙ Маҳаллақозиён қишлоғи ҳудудидаги сатҳи 200,0 кв.м. савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-82 656 сўм, сотилиш баҳоси-200 000 сўм. 11. Ромитан т. Шўрча ҚФЙ Ўтабек қишлоғи ҳудудидаги сатҳи 250,0 кв.м. 1-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-103 320 сўм, сотилиш баҳоси-450 000 сўм. 12. Ромитан т. Шўрча ҚФЙ Ўтабек қишлоғи ҳудудидаги сатҳи 250,0 кв.м. 2-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси- 103 320 сўм, сотилиш баҳоси- 155 000 сўм.

**Хоразм вилоятидан 22.01.2013 йилда сотилган ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи:** 1. Хива т. П.Маҳмуд шаҳарчаси ҳудудидаги Пайнет хизмати кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, бошланғич баҳоси-5 807 сўм, сотилиш баҳоси-35 000 сўм. 2. Хива т. П.Маҳмуд шаҳарчаси ҳудудидаги Этикдўзлик устахонаси қуриш учун, бошланғич баҳоси-5 807 сўм, сотилиш баҳоси-35 000 сўм. **23.01.2013 йилда сотилган:** 1. Боғот т. Қипчоқ қишлоғи ҳудудидаги Озиқ-овқат дўкони қуриш учун, бошланғич баҳоси-45 446 сўм, сотилиш баҳоси-80 000 сўм. 2. Боғот т. Қипчоқ қишлоғи ҳудудидаги Саноат моллари дўкони қуриш учун, бошланғич баҳоси- 25 248 сўм, сотилиш баҳоси- 80 000 сўм. 3. Боғот т. Қипчоқ қишлоғи ҳудудидаги Чойхона қуриш учун, бошланғич баҳоси-75 743 сўм, сотилиш баҳоси-150 000 сўм. **08.02.2013 йилда сотилган:** 1. Янгиариқ т. Таган қишлоғи Намунавий уй-жой массивидаги Сартарошхона биноси қуриш учун, бошланғич баҳоси-5 807 сўм, сотилиш баҳоси-25 000 сўм, 2. Янгиариқ т. Таган қишлоғи Намунавий уй-жой массивидаги Этикдўзлик устахонаси қуриш учун, бошланғич баҳоси-5 807 сўм, сотилиш баҳоси- 25 000 сўм.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (22.02.2013 й., реестр № 0112223) рўйхатдан ўтган Якка тартибдаги тадбиркор Нурматов Қобилжон Алимджановичга (ИНН 600237454) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "AXBOROT TEXNOLOGIYALARI PLUS", сообщает о распоряжении учредителя об уменьшении Уставного фонда предприятия с 131 000 000 сум до 49 254 125,60 сум. Претензии принимаются по тел.: 267-25-96.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004315-01, 18.03.2011 й.) рўйхатдан ўтган "NEW VITA LINE" (ИНН 301904313) МЧЖга тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"GALLA OSIYO NON-TOSHKENT" МЧЖнинг Устав фонди 247 841 686 сўмдан 232 097 379 сўмгача камаяди. Манзил.: Тошкент ш. Олмазор т. Қорасарой кўч. 316-уй.

ООО "MIND ASIA", сообщает об уменьшении Уставного фонда с 177 311,72 долларов США до 132 311,72 долларов США (199 207 268,26 сум). Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента выхода данного объявления по адресу: г. Ташкент ул. Гавхар д. 153.

"ZIYODA AERO TUR" ХК 25.02.2013 й.дан ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилганини маълум қилади. Даъволар 1 ой давомида қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш. Чор-Су мавзеси 3-уй 37-хонадон.

Тошкент ш. Юнусобод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган Якка тартибдаги тадбиркор Бахшиева Лейла Худавердиевна номига 20.03.2012 й.да берилган № 1009586 реестр рақамли Гувоҳнома (Патент)йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную гувохному № 0108155, выданную 11.03.2010 г. отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского р-на г. Ташкента на имя Турсуновой Гулчехры Турсуновны (ИНН 490694742), считать недействительным.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Ибрагимов Хуснитдин Асамович ва Пулатов Хайритдин Аладинович номига Тошкент ш. Чилонзор т. Гулистон мавзеси Гулистон ва Сўғалли ота кўчалари 57 а-уй манзилида жойлашган бекат ва савдо растаси биноси учун 04.05.2009 й.да берилган ТА № 0760232 сонли кадастр Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянные документы: лицензия на право оптовой торговли (реестр № 609/05, серия УС № 007296 от 07.02.2011 г.), выданную Алмазарским районным хокимиятом и лицензия на полиграфическую деятельность (реестр № 10-2402, 04.03.2011 г.), выданную O'zbekiston matbuot va Axborot agentligi на ООО "UNIVERSAL TADQIQOTCHI", считать недействительными.

ООО "UMID SAMAD BIZNES" (ИНН 301802321), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 006217-04, 17.01.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. М.Улугбек 48-5, ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент вил. Зангиота т. ДСИда рўйхатдан ўтган Якка тартибдаги тадбиркор "Ўроқов Комалиддин Шарофиддинович"га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"TAR PLAST SERVIS" МЧЖ (СТИР 206644953) ўз устав фондини 38 377 540 сўмдан 36 542 647 сўмга камайтиради.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (реестр № 004346-01, 25.03.2011 й.) давлат рўйхатидан ўтган "NODIR BARAKA MEBEL" ХК (СТИР 301916227), 25.02.2013 й.даги таъсисчининг 6-сонли буйруғига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 95 170-41-51; 90 930-46-51.

# ЖОНЛИ КЎРГАЗМА

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА КАПАЛАКЛАРНИНГ ЭКЗОТИК ТУРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Мазкур “жонли” кўргазма экспонатлари кўргазма зали бўйлаб бемалол учиб, ташриф буюрганларнинг устига қўниб юрибди. Бу капалаклар бутун дунёдан келтирилган. Кўргазмада Перу, Филиппин, Ҳиндистон, Малайзия, Хитой, Жанубий ва Шимолий Америкадан келтирилган ҳашаротларнинг ноёб турлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма ташкилотчиларининг айтишича, бу ерда ҳозирча капалакларнинг 6 тури намойиш этилмоқда. Кейинчалик, 27 февралдан сўнг, кўргазмага яна 15-20 турдаги экзотик капалаклар, шу жумладан, қаноти ёзилганда узунлиги 25 сантиметргача етадиган Attacus Atlas капалаги келтирилади.

Мутахассислар кўргазмага келадиганларга ёрқинроқ рангдаги кийим кийишни маслаҳат берадилар. Чунки капалаклар бундай кийимга қўнишни хуш кўради. Кўргазмада болалар учун бу гўзал мавжудотларнинг хусусиятлари ва ҳаёт тарзи ҳақида кенг маълумот берилмоқда.

Масалан, ғаройиб “Бойқуш кўз” капалаги Перуда яшайди, қанотлари ёзилганда уларда боярқуш кўзларига ўхшаш нақш пайдо бўлади. “Оқ-қора елкан кемаси” капалаги Малайзияда, "Мовий морф" Марказий ва Жанубий Америка “вакили”. Нафис “Гуруч қоғози” капалаги Хитойдан келтирилган. Ғаройиб “Тунги яшил эльф” Марказий Америкада яшайди. Ҳиндистонлик “Каллима” қанотларини тахлаганда дарахт баргига ўхшаб қолади.



Кўргазма залида махсус иқлим шароити яратилган: ҳаво ҳарорати — 28 даража иссиқ, намлик баланд. Ботаника боғи вакиллари билан у ерда тропик ўсимликлар павильонини яратиш имкониятлари тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда. Ўшанда капалакларни табиий муҳитда кўпайтириш мумкин бўлади.

Кўргазма иштирокчилари бу ноёб мавжудотларнинг гўзаллигидан лол қолиб, уларни суратга туширишга, яқинроқ томоша қилиш учун ўзига жалб этишга ҳаракат қилмоқда.

Бу нафис ҳашаротларнинг рангбаранглиги, шакл ва катталик жиҳатдан хилма-хиллиги кўзни қувонтиради. Кўргазма ташкилотчиларининг айтишича, келажакда бу ерда икки юзга яқин турдаги капалаклар намойиш этилади.

**Отабек МИРСОАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**
*Муаллиф олган суратлар.*








# СПОРТ

ФУТБОЛ

### Осиё чемпионлари лигаси — 2013:

## ЖАМОАЛАРИМИЗ РАСМИЙ БАҲСЛАРГА КИРИШИШАДИ

**Бугун Осиё қитъасининг бир қатор давлатларида “Осиё Чемпионлар лигаси-2013” мусобақасининг гуруҳ босқичи биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтади. Мусобақада юртимиз шарафини икки клуб — Тошкентнинг “Пахтакор” ҳамда “Бунёдкор” жамоалари ҳимоя қилмоқда. Ушбу баҳслар жамоаларимизнинг мавсумдаги дастлабки расмий учрашувлари бўлади.**

Биринчи турда “Пахтакор” ўз майдонида Саудия Арабистонининг “Ал-Иттифоқ” клубини қабул қилади. “Пахтакор” марказий стадионида бўлиб ўтадиган ушбу учрашув **бугун соат 16:00 да** бошланади. Куни кеча ўйин олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда меҳмонлар бош мураббийи Мачей Шкорза ҳамда футболчи Яҳё Шерий, “Пахтакор”дан эса клуб бош мураббийи Мурод Исмоилов ва футболчи Станислав Андреев журналистлар саволларига жавоб бериб ўтди. Жумладан, Мачей Шкорза рақиб жамоасини яхши ўргангани, аммо ушбу ўйин мавсумдаги дастлабки расмий учрашув бўлгани боис “Пахтакор”дан қандай ўйин кутиш мумкинлигини аниқ билмаслигини айтиб ўтган.

“Пахтакор” бош мураббийи Мурод Исмоилов рақиб ҳозирда ички чемпионатда 20 та турни ортда қолдиргани, табиийки, кўпроқ ўйин амалиётига эга экани, жамоасининг ҳимоя (Боян Миладинович узоқ вақт жароҳатини даволагандан сўнг яқинда сафга қайтган эди. Ўртоқлик учрашувларидан бирида яна жароҳат олган) ва ҳужум (Темурхўжа Абдухолиқов) чизиғидаги муаммолар ташвишга солаётгани, аммо булар баҳона бўла олмаслиги ва фақат ижобий натижани кўзлашаётганини билдирди.

“Бунёдкор” эса, биринчи турни сафарда Япония чемпиони “Санфречче Хиросима” клубига қарши ўтказади. Ушбу клуб яқиндагина “Кашива Рейсол”ни мағлуб этиб, мамлакат суперкубоги соҳибига ҳам айланди. Япония суперкубоги учун бўлиб ўтган баҳсни Миржалол Қосимов бошчилигидаги “Бунёдкор” мураббийлар штаби кузатишга муваффақ бўлган. “Санфречче Хиросима” – “Бунёдкор” учрашуви **27 февраль куни Тошкент вақти билан соат 15:00 да** бошланади.

## ЖЕПАРОВ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ҚАЙТДИ

**Ўзбекистон терма жамоаси сардори Сервер Жепаров фаолиятини Жанубий Кореянинг “Сеонгнам Ильва Чунма” клубида давом эттирадиган бўлди.**

Муқаддам футболчининг жамоа кўригида иштирок этаётгани ҳақида хабар берилганди. Жанубий Корея “К”-лигаси Сервер учун бегона эмас. У Саудия Арабистонининг “Ал-Шабаб” жамоасига ўтишдан олдин “Сеул” жамоасида фаолият олиб борган ва Жанубий Корея чемпиони бўлганди. Осиёнинг икки карра энг яхши футболчиси энди “Сеонгнам Ильва Чунма” жамоасида 29-рақам остида ўйнайди. Маълум бўлишича, Сервер Жепаров янги жамоаси учун гол киритишга ҳам улгурган.

“Сеонгнам Ильва Чунма” ва “Тежон Ситизен” жамоалари ўртасидаги назорат учрашуви 1:1 ҳисобида якунланган. Эътиборли томони, сеонгнамликларнинг ягона гол айнан Жепаров ҳисобига ёзилган. У бурчак тўпини дарвозага йўллаб, гол уришга муваффақ бўлган.

ТЕННИС

## ПОЙТАХТ ТЕННИСЧИЛАРИ ЕТАКЧИ

**Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.**

Эркаклар ўртасидаги яккалик беллашувларида барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Финалда Ботир Сафоевни 6:3, 2:6, 6:0 ҳисобида енгган Санжар Файзиев Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Ботир Сафоев кумуш, Павел Цой бронза медаль билан тақдирланди.

Жуфтликлар ўртасидаги финал учрашувида пойтахт вакиллари Неъмат Шофайзиев ва Санжар Файзиев дуэти қашқадарёлик Алексей Намозов ва бухоролик Азизбек Луқмоновни 7:5, 6:4 ҳисобида енгди.

Учинчи ўрин тошкентлик ёш теннисчилар Сардор Раҳимов ва Искандар Довудовга насиб этди.

Хотин-қизлар мусобақасининг финал учрашувида чемпионат кашфиёти – қашқадарёлик Гўзал Юсупова пойтахтлик Арина Фольц билан беллашди. Унда 6:2, 7:5 ҳисобида зафар қучган А.Фольц иккинчи маротаба мамлакат чемпиони бўлди. Г.Юсупова илк маротаба кумуш медални қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун баҳсда пойтахтлик Амина Мухаметшина андижонлик Жамила Содиқжонованi 6:2, 6:1 ҳисобида енгиб, бронза медалга эга бўлди.

Жуфтликлар мусобақасида биринчи рақамда сараланган Арина Фольц ва Амина Мухаметшина ғолиб бўлди. Гўзал Юсупова ва пойтахтлик Даяна Седова иккинчи, қашқадарёлик Мадина Ҳотамова ва мезбонлар вакиласи Александра Стаханова учинчи ўринни эгаллади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

○ Реклама ва эълонлар

«ХОНҚАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ ОРҚАЛИ ҲАМДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА АСОСИДА ҚУЙИДАГИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ СОТИЛАДИ:



ОМИХТА ЕМ
Товуқлар учун ишлаб чиқариладиган сочма омихта ем маҳсулоти 1 тоннасининг нархи 486750 сўм.



Йирик ва майда шохли моллар учун тайёрланган омихта емнинг 1 тоннаси
– сочма ҳолда 402000 сўм
– гранулла ҳолда 429000 сўм



Балиқлар учун тайёрланган гранулла шаклидаги омихта ем 1 тоннасининг нархи 589500 сўм.

ПУЛ КЎЧИРИШ ВА НАҚД ПУЛ БИЛАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: Хоразм вилояти Хонқа тумани Мулла-ён кўча 64-уй
Мурожаат учун телефонлар: факс (8362) 39-91-136, 39-93-873.

«ОҲАНГАРОН ДОН»
очиқ акциядорлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси ҳамда тўғридан-тўғри шартнома асосида қуйидаги истеъмол товарлари сотилади:



Балиқлар учун гранула ва сочма шаклидаги омихта ем.



Паррандалар учун сочма ва гранула шаклида омихта ем.



Йирик ва майда шохли моллар учун сочма ва гранула шаклида омихта ем.



ОМИХТА ЕМ
Омихта ем — TSh 8-95:2012 давлат стандарти ва рецепт асосида ишлаб чиқарилмоқда.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ВА НАҚД ПУЛ БИЛАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

O'ZDONMAHSULOT
gain Global Alliance for Improved Nutrition
Healthy Food Sog'lom Mahsulotlar

Маҳсулот сертификатланган

Манзилимиз: Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Саноат зонаси 1-уй.
Мурожаат учун телефонлар: факс (8-370) 645-39-08, +99898 300-39-08.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

АГРОМАШ
ИП ООО«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ОБЪЯВЛЯЕТ СКИДКИ НА СЛЕДУЮЩУЮ ТЕХНИКУ И ЗАПЧАСТИ:
— ЗАПЧАСТИ К ТРАКТОРАМ ЛТЗ-60, КОМБАЙНАМ ЕНИСЕЙ,
— ГУСЕНИЧНЫМ ТРАКТОРАМ Т-4, ДТ-75, ВТ-150 И Т.Д.
— 4-Х КОЛЕСНЫЕ МИНИ ТРАКТОРА ВТЗ-2048 И Т30-69;
— ЗЕРНОУБОРОЧНЫЙ КОМБАЙН ЕНИСЕЙ-954 И МНОГОЕ ДРУГОЕ;



КОЛИЧЕСТВО ОГРАНИЧЕНО.
ПО ВСЕМ ВОПРОСАМ ОБРАЩАЙТЕСЬ В ОФИС КОМПАНИИ ПО СЛЕДУЮЩИМ КОНТАКТАМ:
Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Тошкент ш. Учтепа т. кадастри хизмати томонидан 15.02.2013 й. да Чилонзор 12-мавзе 22-уй 55-хонадон учун Тожибоев Нуриддин Эркинович номига берилган сотиш учун маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “MUQADDAS UNIVERSAL TIKUVCHI” (ИНН 302447367), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 006160-03, 26.12.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Нукус, на территории Мирабадского рынка, ликвидируется (протокол № 2 от 25.02.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

“AL-QUDRAT BIZNES” МЧЖга тегишли Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот (реестр № 2-92/2007, 28.09.2007 й.) кадастр ҳужжатлари ва 2010-2011 й. ҳисоботлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Джамшид-Шоший д. 8 кв-ра 2, выданный Кадастровой Службой Яккасарайского р-на на имя Иргашевой Алины Бахадыровны, считать недействительным.

ООО “ASR-MARKET” Юнусабадского р-на сообщает об уменьшении Уставного фонда предприятия с 3 925 000 сум до 3 197 000 сум.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги жамоаси етакчи мутахассис Равшан Сражитдиновга турмуш ўртоғи
**Инобат СРАЖИТДИНОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси “Ғўза селекцияси ва уруғчилиги” бўлими етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори Жамолхон Аҳмедовга акаси
**Орифхон ҲОЖИ ОТА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоалари илмий марказ тизимидаги Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори Насилло Бобоқуловга қизи
**Мадина АСАДОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси “Ўрмончилик ва экология” кафедраси ассистенти Файрат Салоҳиддиновга турмуш ўртоғи
**Дилбар МАВЛОНОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси марказ тасарруфидаги Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори
**Носиржон ОТАХОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-214, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
25776 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 28-FEVRAL, PAYSHANBA, 25 (8106)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА АЙЛАНДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА ЯРАТИЛГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ НОЁБ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРАЁТГАНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.**

“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илғор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усулларини татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини реконструкция режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизида илғор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг тўғри овқатланиши ғоят муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ва бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, унни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини саплементация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиги мустаҳкамланади. Кўкрак сутини эмизиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилда туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни “Соғломлаштириш ҳафталиклари”ни ҳар ойда ўтказишни давом эттириш кўзда тутилмоқда. Ушбу тадбирлар давомида барча ҳудудлар, айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган туманларда мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассислари ва профессорлари хотин-қизлар ҳамда болаларни даволайди ва маслаҳатлар беради.

(Давоми 2-саҳифада)

# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистонда туғма ва ирсий нуқсонларни эрта аниқлашга ёрдам бериш бўйича йўлга қўйилган аёллар ва чақалоқлар скрининг тизимини такомиллаштириш давом эттирилади.

2013 йилда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Соғлом она – соғлом бола" ва "Соғлом ёшлар" лойиҳалари амалга оширилади. Биринчи лойиҳанинг мақсади ўсмир қизларга тўғри овқатланиш, гигиена ва камқонликнинг олдини олиш соҳасида тиббий маълумотлар бериш, шунингдек, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни репродуктив саломатликни сақлаш, туғруққа тайёрланиш ва бир ёшгача бўлган болани парваришлаш масалалари бўйича хабардор қилишдан иборат. "Соғлом ёшлар" лойиҳаси эса ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва сил касаллигининг олдини олишга доир таълим услублари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлар "Соғлом ёшлар" ҳаракатига тренинг-семинарлар, маслаҳатлар бериш ва ёшлар ижтимоий акцияларини, жумладан, "Биз – соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!" республика ижодий танловини ўтказиш орқали кенг жалб этилади.

"Ҳаёт учун!" ассоциацияси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шу жумладан, "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафонини ва бошқа ижтимоий акцияларни ўтказиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Европа Иттифоқи/ЮНИСЕФнинг "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. II-босқич" қўшма лойиҳаси, ЮНФПА, Глобал фонд, KfW банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз малакасини оширади. 2013 йилда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида болаларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимини янада камайтириш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.



Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан ортиғини ташкил қиладиган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар юрак касалликлари, инсульт, саратон, сурункали респиратор хасталиклари ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар – спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини – амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 қишлоқ врачлик пунктларидан (ҚВП) таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида аҳолига маслаҳат бериш ва ташхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҚВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҚВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ва 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги энг яхши клиникалар мутахассислари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" лойиҳасини амалга ошириш орқали энг чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган. Бу жараёнда 146 минг киши, шу жумладан, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерлар қамраб олинади. Бундан ташқари, йил давомида ҳар бир ҳудудда 200 мингдан ортиқ киши оммавий равишда чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, дастурда аҳолининг юқори технологик ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, 2012 йилда кардиожарроҳлик бўлими ташкил этилган В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, кўз микрохирургияси ва урология марказида ўта мураккаб ва технологик даражадаги операцияларни ўтказиш кўлами янада кенгайтирилади. Ваҳолонки, бундай операциялар бугун дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Соҳа мутахассисларининг касбга оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг тажриба ошириши ташкил этилади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудига карантин қилинадиган ва ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади. Аҳолини, айниқса болаларни эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ 2,5 миллион болани профилактик эмлаш режалаштирилмоқда. Вакциналарни сотиб олиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режасини, биринчи навбатда, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бундан ташқари, ичимлик суви ва очиқ сув ҳавзаларидаги сув сифатини мониторинг қилиш ҳамда уларнинг лаборатория назорати кучайтирилади, ичимлик суви сифатининг кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича санитария назорати тизими жорий этилади.

2013 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 143 тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш, кунига 10145 кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларни ташхис қўйиш ва даволаш бўйича жаҳон стандартларига мувофиқ жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилган. Шу мақсадда хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш давом эттирилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган санатория муассасаларида жорий йилда минглаб фуқаролар – фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд ходимлар, кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар, ёш оналар, ёш оилалар ўз соғлигини мустаҳкамлайди. Бу муассасаларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва уларда кўрсатилаётган соғломлаштириш хизматларини яхшилаш, айримларида эса капитал таъмирлаш ишларини бажариш чора-тадбирлари белгиланган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ҳам алоҳида диққат марказида бўлади. Масалан, еттита болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилади.

Шундай қилиб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демак, мамлакатимиз равнақини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

**ЎзА**

# «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ТАМОЙИЛИ – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

## ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Таъкидландики, ер юзида аҳоли сонининг ошиб бориши инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсирини тобора кучайтирмоқда. Бу ҳолат соғлом ва барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишни талаб этмоқда.

Семинарда "яшил иқтисодиёт" ривожланишига йўналтирилган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига инновацион технологияларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларига ресурстежовчи технологияларни татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари демографик жараёнларни тартибга солишга йўналтирилган қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ОН-ЛАЙНДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР САВДОСИ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Корея Республикаси фонд биржасининг стратегик менежмент бўйича директори Хонг Хи Сщин раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.



Унда Президентимизнинг 2012 йил 19 мартда қабул қилинган "Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги шартнома ижросини таъминлаш жараёнининг бориши, мамлакатимиз фонд бозорини модернизациялаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида ягона дастурий-техникавий мажмуани жорий этиш тўғрисида келишув имзоланди.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги шартнома доирасида Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори учун ягона дастурий-техникавий мажмуани – замонавий сервер ва телекоммуникация ускуналарининг дастурий таъминотини етказиб бериш, мамлакатимиз мутахассисларининг малакасини ошириш, мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштиришни кўзда тутади.

Умумий қиймати 6 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур лойиҳа икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, Ўзбекистонда он-лайн усулидаги янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, ишбилармонлар учун янги ҳамкорлар топишни янада енгиллаштиришга хизмат қилади.

Корея Республикаси фонд биржаси қимматли қоғозлар билан муомала кўлами бўйича жаҳондаги пешқадам ташкилотлардан бўлиб, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўн фонд биржаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида 2011 йилнинг август ойида имзоланган Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги шартнома мазкур соҳада ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётир.



# «КИТОБ — ДАРОМАД МАНБАИ» АКЦИЯСИ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи китоб савдосини йўлга қўйиш ишига замонавий ёндашган ҳолда савдо-сотиқда кенг қўлланиладиган дилерлик тизимини жорий этмоқчи.

Хусусан, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан шу йилнинг 1 мартидан 31 майига қадар «Китоб — даромад манбаи» номли акция ўтказилиши маълум қилинди.

Акция ташкилотчилари хабар беришича, унда иштирок этиш учун ўқувчи ва талабалар, шунингдек, барча адабиёт ихлосмандлари таклиф қилинади.

Нашриёт томонидан акция иштирокчилари ҳар бир сотилган китобдан 10 фоиз миқдорида нақд пул мукофоти (дилерлик тўлови)га эга бўлади. Шунингдек, акция давомида ўзини кўрсата олган иштирокчиларга совғалар берилади.

# САМАРҚАНДДА ҚУЁШ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Самарқанд вилоятида қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш электростанциясини қуришни режалаштирмоқда.

Ҳозирги вақтда лойиҳа бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар бошланган, 2013 йил охиригача лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси тайёрланади. 2014 йилда эса қурилиш ишлари бошланиши мумкин.

Лойиҳанинг бошланғич қиймати 500 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, у хорижий кредитлар ва Ўзбекистоннинг ички имкониятлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Муқаддам «Ўзбекэнерго» Тошкент вилоятида қуввати 50 мегаватт бўлган ва йилига 110 миллион киловатт/соат электр-энергия ишлаб чиқариш қувватига эга қуёш электростанциясини қуришни лойиҳалаштириш бошлагани ҳақида хабар қилинган эди. Қиймати 250 миллион АҚШ долларлик мазкур лойиҳанинг 90 миллион АҚШ доллари Осиё тараққиёт банкининг кредити, қолгани эса ички имкониятлар ҳисобига молиялаштирилади.

Шунингдек, 2012 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ ўртасида қуёш энергетикаси соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Меморандум доирасида Ўзбекистонда қуёш энергетикаси соҳасидаги лойиҳалар устида иш олиб борадиган Халқаро қуёш энергияси институти иш бошлаган. Ҳамкорлик асосида Ўзбекистонда 6 та қуёш электростанцияси лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш кўзда тутилган.

Айни вақтда Ўзбекистон энерготизимида умумий қуввати 12,4 минг мегаватт бўлган 45 та электростанция фаолият олиб бормоқда, жумладан, «Ўзбекэнерго» назоратида бўлган 16 та электростанция қуввати 12,04 минг мегаваттга тенг.

Келгуси йилларда мамлакатимизда қуёш электростанциялари умумий қувватини икки гигаваттга етказиш кўзда тутилган.

# КОЛЛЕЖЛАРДА АВТОМОБИЛСОЗ МУТАХАССИСЛАР

Муқаддам Хоразмда "Damas" микроавтобусларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётгани ҳақида хабар қилинган эди.



Мазкур лойиҳага кўра, заводда йилига 40 минг дона микроавтобус ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. 2014 йилнинг биринчи чорагида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичи йўлга қўйилиб, автомобилларнинг илк намуналари йиғила бошланса, сўнгги босқичи 2014 йилнинг тўртинчи чорагида тугалланиши режалаштирилган.

Автозавод учун мутахассислар «Ўзавтосаноат» талабномасига кўра, Хоразмнинг ўзида — Ҳазорасп, Қўшкўпир, Янгиариқ, Янгибозор туманларида жойлашган касб-ҳунар коллежларида тайёрланади.

Шунингдек, ташкил этилаётган автозавод учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида хоразмлик абитуриентлар учун Андижон машинасозлик институти ҳамда Тошкент давлат техника университетида тегишли йўналиш ва мутахассислик бўйича қабул квоталари ажратилади. Аммо мазкур квоталар бўйича абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва тест синовларини ўтказиш Урганч давлат университетида амалга оширилади.

# ТРАМВАЙ ВА АВТОБУСЛАР ЙЎЛ ҲАҚИ ЖЕТОНДА ТЎЛАНАДИ

Жорий йил биринчи мартдан эътиборан Тошкент шаҳри бўйлаб ҳаракатланаётган автобус ва трамвайларда ҳам жетонлар ёрдамида йўл ҳақини тўлаш жорий этилиши кутилмоқда.



Бунгача фақатгина метрода жетондан фойдаланиб келинган эди. Жетонларни ойлик йўл чипталари савдо қилинадиган шохобчалардан банк пластик карточкаларига сотиб олиш мумкин. Уларнинг қулайлик томони нақд пул олиб юриш зарурати янада камаяди. Транспорт воситасида тўлов билан боғлиқ вақт сарфини тежайди.

# ҒЎЗА ГОММОЗИГА ҚАРШИ ЯНГИ ВОСИТА

"Правда востока" газетасида маълум қилинишича, гоммозга қарши восита Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари томонидан топилган бўлиб, бу восита худди касалликнинг ўзи сингари бактерия кўринишидадир.



Яъни касалликни келтириб чиқарувчи фитопатоген бактерияга қарши уни йўқ қилувчи бактериофаг концентрати қўлланилади. Бактериофаг экологик жиҳатдан анча самарадор бўлиб, у фақатгина гоммоз касаллигини келтириб чиқарадиган бактериянигина йўқ қилади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

# ИПОТЕКА БАНК – КИЧИК БИЗНЕС РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

IPOTEKA BANK

**Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи мавқе эгаллайди. Шу боис, ушбу соҳани ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос таркиби ва ўсиш даражаси, қулай шароит ва меҳнат ресурсларининг етарли даражада мавжудлиги кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади.**



*Ипотека банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафининг кенгайиши, фаолиятининг такомиллашуви, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушининг янада ортиб бориши йўлида аниқ мақсадга асосланган тизимли ишларни амалга оширмоқда.*

*Банк томонидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар натижасида барча ресурс манбалари ҳисобидан 2012 йил давомида жами 386,3 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, банк мижози бўлган 6209 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига ажратилган кредитлар ҳисобидан 11 минг 116 та янги иш ўрни яратилди.*

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада банклар зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Бунда банклар фақатгина кредит берадиган, молиявий таъминлайдиган муассаса эмас, балки чуқур иқтисодий-молиявий таҳлил қиладиган, мижозларга тўғри маслаҳат ва йўналишлар берадиган ҳамкорга айланишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ипотека банк ҳам бу борада аниқ мақсадлар рўёбини таъминлайдиган изчил ислоҳотларга хизмат қилувчи ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш юзасидан юксак даражада ва жадал суръатларда олиб борилаётган амалий ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётир. Банк томонидан ажратилаётган кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё харид қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, турли хил минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш, маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда маиший хизмат турларини ривожлантириш, шунингдек, енгил саноат ва қайта ишлаш саноати бўйича мавжуд истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ипотека банк кичик бизнес соҳасининг республикамиз иқтисодиётидаги ўрнини ҳисобга олиб, ушбу соҳада кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилиши ҳамда уларни молиялаштиришда ҳудудларнинг демографик, табиий-иқтисодий шарт-шароитларини чуқур ўрганиб, уларга мос келувчи тузилмаларни ташкил этиш, қишлоқ жойларида очилган корхоналарни молиялаштиришда ҳудудий хомашё ресурсларини, меҳнат ва табиий ресурсларни инобатга олган ҳолда иш олиб бориш, кичик бизнес субъектларининг мунтазам ва давомли фаолият кўрсатишининг асосий шарти – ҳудудларда бозор инфратузулмаси даражасини таҳлил қилиш ва иш фаолиятини шунга мувофиқ йўналтириш тамойилларига асосланиб ишни ташкил этмоқда.



Шунингдек, молия муассасаси кичик бизнес субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи фаолиятларни молиялаштириш, уларни молиялаштиришда “экологик юк”ни ҳисобга олиш, маҳаллий хомашёлардан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи кичик бизнес субъектлари салмоғини ошириш борасида ҳам юқори самарадорликка эришиб келмоқда.

Банк томонидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар натижасида барча ресурс манбалари ҳисобидан 2012 йил давомида жами 386,3 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, банк мижози бўлган 6209 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига ажратилган кредитлар ҳисобидан 11 минг 116 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, Президентимиз Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, мижозларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали республикада ишлаб чиқариш, саноат, савдо ва воситачилик, аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда бошқа бир қатор соҳаларни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ажратилаётган кредит маблағлари республикамизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётир.

Банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилаётган имкониятлар туфайли хизмат сифати тобора яхшиланиб, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари сони ортиб бормоқда. Бугунги кунда республикамиз миқёсида Ипотека банкнинг 37 та филиали ҳамда 118 та мини-банки фаолият олиб боряпти. Банк томонидан турли йўналишдаги мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Молия муассасаси юртимиз равнақи йўлида фаоллик кўрсатаётган тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари учун зарур миқдорда молиявий кўмак ажратиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Биргина ўтган 2012 йил давомида юртимизда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёлларга 36078,6 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу мазкур йўналишда кўзланган мақсаднинг 118 фоизга ўсганлиги, янги иш ўринлари яратилганлиги ва кўплаб оилалар фаровонлиги таъминланганлигидан далолат беради.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодий тажрибасидан шу нарса маълумки, иқтисодий тараққиёт жараёнида саноат тармоқлари юксалгани сайин сервис соҳасига ҳам эҳтиёж ортиб боради. Мамлакатимизда сервис соҳасини ривожлантириш, ушбу йўналишдаги хизмат турлари ва сифатини янада ошириш мақсадида банк томонидан 2012 йил давомида 49,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва бу ўтган ҳисобот йилига нисбатан сезиларли даражада ўсиш борлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, Ипотека банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафининг кенгайиши, фаолиятининг такомиллашуви, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушининг янада ортиб бориши йўлида аниқ мақсадга асосланган тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Зеро, бугун банк томонидан ажратилаётган ҳар бир сармоя эртанги кун фаровонлигини, иқтисодий барқарорликни кафолатлайди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

— МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ —

## БАНКДАН ҲАМ МАДАД, ҲАМ РАҒБАТ

Тадбиркорлик фаолиятимизни бошлагандан буён Ипотека банкнинг Андижон вилояти филиали мижозимиз. Даставвал 10 йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб бордик. 2011 йилда хусусий корхона ташкил этиб, трикотаж маҳсулотлари, асосан, хотин-қизлар кийим-кечаклари ишлаб чиқара бошладик. Маҳсулотларимиз сифатли, харидоргир бўлганлиги боис, биринчи уч ойликданоқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юқори кўрсаткични қайд этдик.

Ўша йилнинг ўзида Ипотека банк мижозлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиб, “Энг яхши ишлаб чиқариш” номинациясида ғолибликка сазовор бўлдик. Банк томонидан 5 миллион сўмлик пул мукофоти билан тақдирланиш баробарида 100 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдик.

Мазкур сармоя ёрдамида корхонамизга янги замонавий ускуналар ўрнатдик. Натижада ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури 10 тадан ортди, сифати янада яхшиланди, ҳажми кенгайди. Ўтган йили маҳсулотларимизнинг бир қисмини хорижга экспорт ҳам қилдик. Ҳозирда 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонамиз ривожланишида молиявий мададкор бўлган Ипотека банк хизматидан миннатдормиз. Келгусида молия муассасасидан яна кредит олиб, фаолият турларимизни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ниятидамиз.

**Умидахон ҲОШИМОВА,**
**Андижон туманидаги “Салом Ҳамкор текстил” хусусий корхонаси раҳбари.**

## САРМОЯ САМАРАСИДА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

Фаолиятимизни такомиллаштириш, кенгайтириш мақсадида 2010 йилда молиявий кўмак сўраб Ипотека банкнинг Самарқанд вилояти филиалига мурожаат қилдик. Фармацевтика флаконларини алюмин билан қопловчи ҳамда резина қопқоқлар ишлаб чиқарувчи корхонамиз фаолиятида бу жуда зарур эди.

Маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж сезилди. Импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тузилган лойиҳамиз банк томонидан қўллаб-қувватланди. Уч йил давомида банкдан 300 миллион сўмга яқин кредит олдик. Ушбу маблағлар эвазига фаолиятимизни йил сайин такомиллаштирдик, корхона учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олдик. Натижада иш самарадорлиги ортиб, ойига 20-30 минг дона ўрнига 1 миллион дона турли хил ўлчамдаги қопқоқлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ипотека банк билан ўзаро ҳамкорлигимиз туфайли кутилган натижаларга эришдик.

Жорий йилда мазкур молия муассасасидан яна кредит олиб, ишлаб чиқаришни янги босқичга кўтармоқчимиз. Олинажак кредит эвазига фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олишни режалаштиряпмиз. Айни пайтда корхонамизда 2 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, йил якунига қадар маҳсулотларимиз турини яна 3 тага кўпайтирмоқчимиз.

**Фахриддин МАҲМУДОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги “Ҳамидобод Имкон” МЧЖ раҳбари.**

*Ҳурматли тадбиркорлар ва фермерлар!*

## «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ СИЗЛАРНИ МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ОММАВИЙ ОФЁРТА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Оммавий офёрта савдоларига Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган қуйидаги:**

— “Қибрай Зародин” агрофирмаси ҳудудида жойлашган “QIBRAY — BAYMUHAMEDOV SERIKBAY” фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони **9,8 га** ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи — **56 000 000,0 (эллик олти миллион) сўм** бўлган, 1991 йилда экилган **1087 дона** ва 1999 йилда экилган **1038 дона**, жами ***2125 дона олма дарахтлари;***

— “Истиқлол давр зиёси” агрофирмаси ҳудудида жойлашган “ISTIQLOL — SULTONOV TOJIBOY” фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони **12,0 га** ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи — **11 000 000,0 (ўн бир миллион) сўм** бўлган, 1997 йилда экилган **120 дона олма** ҳамда 1997, 2008 ва 2012 йилларда экилган **1220 дона олхўри**, жами ***1340 дона олма ва олхўри дарахтлари;***

